

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

| | |
|---|----|
| Ш.Каримов, З.Комилова | |
| Сингуляр коэффициентли тўртинчи тартибли битта тенглама учун Гурса масаласи..... | 6 |
| К.Каримов | |
| Яримчексиз параллелепипедда учта сингуляр коэффициентга эга бўлган эллиптик тенглама учун чегаравий масалалар | 11 |

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

| | |
|---|----|
| Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова | |
| Яримўтказгичларда ток ташувчилар эффектив Гамильтониани назарияси хусусида..... | 24 |

КИМЁ

| | |
|--|----|
| М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов | |
| М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш | 28 |

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

| | |
|---|----|
| Э.Исаков, Ш.Турдиев | |
| Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили..... | 33 |
| Ф.Тухтасинов | |
| Фарғона водийси жанубидаги сабзаёт экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши | 37 |

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

| | |
|--|----|
| Т.Абдуллаев | |
| Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви | 42 |
| Г.Ғаффарова, Б.Қодиров | |
| Ҳаракатлар стратегияси ва тизимли ёндашув | 47 |
| М.Каримова | |
| Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар | 52 |
| А.Музаффаров | |
| Маданиятлараро мулоқот категорияси тадқиқига фалсафий-герменевтик ёндашув..... | 56 |
| А.Қамбаров, Д.Тошалиев | |
| Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир | 60 |

ТАРИХ

| | |
|--|----|
| Т.Эгамбердиева | |
| 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати..... | 66 |
| Ҳ.Холиқулова | |
| Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари..... | 71 |
| О.Ахмадов | |
| Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш | 75 |

УДК: 008+331.84/85+781.43

**БУЗРУК МАҚОМИДАН САРАХБОРИ БУЗРУК ШЎЪБАСИНИНГ ТАҲЛИЛИ
МАСАЛАСИГА ДОИР**

К ВОПРОСУ АНАЛИЗА ОТДЕЛА САРАХБОРИ БУЗРУК МАКОМА «БУЗРУК»

**ABOUT ANALYSIS OF SARAHBORI BOZRUK FROM
MAKOM BOZRUK**

А.Қамбаров, Д.Тошалиев

Аннотация

Мақола миллий Мақом санъати масаласига доир бўлиб, Шашмақомдаги “Бузрук” мақомининг ашула бўлимидан Сарахбори Бузрук туркумини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан узвийлик ва узлуксизлигини таҳлил қилишга қаратилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы, посвящённые национальному искусству. Также, теоретически и практически анализируются последовательность и непрерывность в Шашмақоме из вокальной серии «Сарахбори Бузрук».

Annotation

This article is dedicated to the national art of Makom and it includes the theoretical and practical analyses of consistency and continuity of the Sarakhbori Buzruk series from the vocal section of Buzruk in Shashmakom.

Таянч сўз ва иборалар: маданият мерос, маънавий-ахлоқий муҳит, Мақом, Сарахбори Бузрук, миёнхат, ханг, дунастр, намуд, Муҳайяри Чоргоҳ, фурувард, тарона, талқин усули, Зарб ул-қадим.

Ключевые слова выражения: культурное наследие, духовно-нравственная среда, Мақом, Сарахбори Бузрук, миёнхат, ханг, дунастр, намуд, Муҳайяри Чоргоҳ, фурувард, мелодия, способ толкования, древний ритм.

Keywords and expressions: Cultural heritage, moral environment, makom, Sarakhbori Buzruk, myenhat, hang, dunasr, namud, Muhayari Chorgokh, furovard, melody, interpretation style, ancient rhythm.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий ва диний-маърифий қадриятларини қайта тиклаш ва буюк аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий, маданий меросини ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бунда Ўрта Осиёда яшаб, ижод қилган санъат намояндаларининг илмий-маданий меросини ўрганиш, шунингдек, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга ёрдам берадиган миллий Мақом санъати муҳим аҳамият касб этади. “Нега деганда, агар инсоннинг қулоғига енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрнашиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини... қабул қилиши қийин бўлиб қолади” [1,143].

Анъанавий ҳаёт тарзи, ахлоқ меъёрлари ҳамда мусиқанинг маънавий озукаси бўлган миллий Мақом санъатида инсонни камолотга ундайдиган дунёқарашлардан келиб чиқувчи бой менталитет мавжуд. Шуларни назарда тутган ҳолда, ёшларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришда Мақом санъатидан оқилона фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Айниқса, “Ўзбек миллий Мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида[2]ги” қарорнинг ўз вақтида эълон қилинганлиги мазкур Мақом санъатининг тарбиявий аҳамияти ўта муҳим эканлигидан далолат беради.

Шарқ халқларида жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган мусиқий жанр – Мақомлардир. Улар мазкур халқларнинг ўзига хос миллий мусиқий бойликларини мужассам қилган ҳолда, созанда ва хонандалар томонидан яратилган ва узоқ маданий-тарихий тараққиёт жараёнида мустақил мусиқий жанр сифатида юзага келган. Мақомлар кишиларни руҳан тетиклаштирувчи, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондирувчи сифатида қадим замонлардан буён бугунги кунгача инсонларга хизмат қилиб келмоқда.

Мақом – оҳангга жойлашган тафаккурдир. У қоғозга битилмаган, тошга ўйилмаган китоб. Унинг оҳанглари она заминга меҳр уйғотади [3,35].

Бугунги кунда мақом шеърятининг ички хусусиятлари, унинг ўзига хос мусиқийлиги нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса-да, буларни етарли деб

*А.Қамбаров – ФарДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.
Д.Тошалиев – ФарДУ, магистрант.*


бўлмайди. Шунга кўра, биз мазкур мақоламизда миллий маданий меросимиз бўлган Мақом санъатининг назарий асосларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Шашмақомнинг “Бузрук” мақоми наср (ашула) бўлимидан Сарахбори Бузрук туркумининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан узвийлик ва узлуксизлиги масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Шашмақомнинг Наср (ашула) бўлими таркибидаги ҳар бир мақом Сарахборлар билан бошланади. Сарахбори Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ ва Сарахбори Ироқ шулар жумласидандир.

Сарахбор икки сўз бирикмаси: “сар” – бош, “ахбор” – хабар сўзининг кўплигидан иборат бўлиб, “бош ахборотчи”, “бош куй”, “бош мавзу” маъноларини англатади. Сарахборлар ҳар бир мақомнинг бошланиш шуъбаси ҳисобланиб, бош мавзунини очиб берувчи вазифани бажаради. Сарахбор атамаси мусиқий истилоҳда шу номли доира усулини ҳам англатади. “**Зарб ул-қадим**” номи билан ҳам машҳур бу доира усули инсон юрак уришига тақлид сифатида юзага келганлиги ўтмишда яшаб ижод этган мусиқачи-созандаларнинг асарларида кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, мазкур усул энг содда ва энг қадимий усул ҳисобланади.

Сарахборларнинг доира усулининг такт-ритм ўлчови 2/4 (икки чорак) бўлиб, қуйидагича ижро этилади:



Мазкур намуна оғзаки амалиётда “бак-ист-бум-ист” тарзда ўқилади. Ҳар бир мақом намунаси маълум бир қонуният асосида ижод этилади. Бу қонуният куй ва оҳанг жумлаларининг тартибли кетма-кетликда, туркум ҳолида ижро этилиши билан бошқа мусиқий жанрлардан фарқланади.

Сарахбори Бузрук – Бузрук мақомининг ва шу билан бирга Шашмақомнинг ашула бўлимини бошлаб берувчи асосий шуъба ҳисобланади. Шуъбаларнинг куй тузилмалари асар ижро этиладиган ғазал матнидаги байтлар (икки мисра) орқали ажратилади. Мақом санъатида ҳар икки мисра – бир хат, деб юритилади. Мазкур шуъба Лутфий ҳазратларининг “Эмиш” радифли ғазали билан ижро этилади.

Жумладан,

Дилбар соғинмағон жиҳати бу фироқ эмиш,

Кўздин йироқ бўлса, кўнгулдин йироқ эмиш.

Ғазалнинг биринчи байтининг таҳлили шундан иборатки, Дилбар айрилиққа иштиёқманд эмаслигини, ошиқ дарди ва унинг ҳижронини мусиқа оҳангининг айнан квартага (тўрт поғонага) кўтарилиб, ижро этилишида кўрсатиб беради. Чунки у кўздан йироқ бўлса, кўнгулдан йироқ бўлишини яхши англайди. Шу боис ҳам у доимо ошиғининг кўз ўнгида бўлишга ҳаракат қилади. Ижрода кўздан йироқ бўлса, кўнгул деб берилишининг ўзиёқ ошиқнинг Оллоҳга ва динга (дин йироқ эмиш) бўлган муносабатини англатмоқда. Шунингдек, байт сўнгида хонандаларнинг сўзсиз (ҳанг) ижро этиладиган қисми ҳам ошиқнинг ички туғенини ифодалаб беради. Шоир ушбу ўринда (“Кўнгул йироқ, меҳрдан йироқ”) мақолидан моҳирона фойдаланган.

Мазкур байт – биринчи хат саналиб, шуъбанинг **Даромад** қисми, **Даромад** эса мусиқа асарининг кириш қисми ҳисобланади [4,84] ва куйнинг бошланиш пардаларида ижро этилади.

Иккинчи хат куйнинг ўрта пардаларида ижро этилгани боис **Миёнхат** деб номланиб, шу билан бирга ижронинг квартага кўтарилиб куйланиши сўзнинг моҳиятини англашга туртки беради. Жумладан:

Тинмас хаёли кунича кўз ёши қатрадин,

Юз сорини югузгучи гулгун буроқ эмиш.

Иккинчи байтида шоир параллелизм тасвирини қўллаган бўлиб, хаёл – юз сорига (бургутнинг парвози), кўз ёш (ёр тимсоли) гулгун буроққа (от) қиёслаб, “Ёрнинг хаёли кун бўйи мен билан бўлса-да, кўз ёшим ҳам қатра бўлиб тўкилишдан тинмаяпти. Ахир юз сори гулгун буроқ билан доимо бирга бўлса”, деган фикрларни баён қилиб берган. Ушбу байтнинг биринчи мисрасини аёл хонандалар ижро этиши ҳолатни ифода этган бўлса, бу ҳолатга таърифни, яъни иккинчи мисрани эркак хонандалар куйлагани мақсадга мувофиқ ижро

бўлганлигидан далолат беради. Миёнхат қисмида ҳам ҳанг ижро этилган бўлиб, бунда эркак ва аёл хонандаларнинг ижроларида ошиқнинг дардини янаям очиб беришга ҳаракат қилинган.

Сарахбори Бузрук шуъбасининг учинчи хати **Дунаср** [5] бўлиб, ғазалнинг учинчи байтида келади. Бу эса, албатта, ғазалнинг куй билан бирлашиб, ҳофизнинг юқори пардада ижро этиши ошиқнинг кўнгилдаги дарду ҳасратини яна ҳам очиб беришга хизмат қилади.

Мисол:

Бўлмас висол бирла кўнгил дарду доғи кам,

Ул тўймағурда, ваҳ, не бало иштиёқ эмиш.

Мазкур байтда “Тажоҳули ориф” (билиб билмасликка олиш) санъати қўлланилган бўлиб, Ёрнинг висоли бирла кўнгилдаги дард доғи камаймайди, чунки ул тўймағурда (кўнгилда) қандай иштиёқ бор экан, деган фикр берилади. Юқоридаги байтнинг дунаср (бир октава юқори пардада) қисмида ижро этилиши мисранинг маъносини кучли ифодалайди. Байтнинг ҳанглар билан давом эттирилиши эса асарнинг кейинги жумласига ўтишида восита бўлиб хизмат қилади.

Мақомлар тузилишида асосан дунаср куй жумласидан сўнг албатта бирор-бир намуд ижро этилади.

Намуд – тожикча кўриниш, намоён бўлиш, келиш маъносидаги сўз бўлиб, муайян куй ёки ашула жумласини бошқа бир ашула йўллари таркибидаги кўриниши демақдир.

Сарахбори Бузрук туркумида дунаср қисмидан кейин Насри Уззол шуъбасининг дастлабки оҳангини эслатувчи куй жумласи ижро этилади. Яъни **Уззол намуди** қўлланилади. Уззол ибораси пастга тушиш, сакраш маъносини англатиб, куй ижродаги ҳаракати кварта ёки квинта даражасида пастга сакрайди. Бу эса ғазал матнидаги сўзни тингловчига сезиларли даражада таъсир қилишини таъминлайди.

Масалан:

Қон боғлади жигарлари ул ғамза заҳмидин,

Чину Хитода нечаки оху қароқ эмиш.

Бу байтда муболаға қўлланилган бўлиб, жигар қон ишлаб чиқарувчи, қон ҳайдовчи аъзо эканлигига эътиборни қаратади. Жумладан, жигарлар ўзи қон эди, лекин ул ғамзақор ёр берган заҳмидан жигарлар яна ҳам қон боғлади. Шунинг учун ҳам Чину Хитода оҳунинг ранги нечундир қаро бўлган эмиш. Бу ерда шоир ошиқ билан ўзини Чин оҳусига таққосламоқда. У ҳам бўлган заҳмлардан қорайиб кетгандур, демоқда. Бу эса ижро этилган байтда ҳам ифодалаб берилган.

Юқоридаги байт маъноси ўзидан олдинги мисраларга нисбатан кучли эканлиги куйда ҳам ўз аксини топади. Мазкур байтда дастлаб ҳофиз ошиқнинг дардини намуди Уззол орқали очиб беришга ҳаракат қилади. Такрорий ижрода эса байтнинг биринчи мисрасига урғу берилиб, ҳанглар орқали ошиқнинг ҳолатини тасвирлайди.

Уззол намудидан сўнг намудлар ичида энг таъсирчан ва мунгли оҳангга эга намудлардан бири **Мухайяри Чоргоҳ** [6] ижро этилади. Жумладан, мазкур байтда шоир ёзганидек,

Ёйдек бўйимни эгди қошинг бори ғам била

Ким, эгриликда даври қамар ичра тоқ эмиш.

Кўринадики, ушбу байтда ҳам шоир параллелизм тасвирини қўллаган ҳолда баён қилган. Жумладан, ёр қошига етишмоқлик ғами ошиқ бўйинини ёйдек (камондек) эгди. Ғазал муаллифи қамар (янги чиққан ой) ҳам эгриликда ягонадир, деган фикр орқали ошиқ қомати ҳам эгрилиги, ҳам қошнинг қайрилмалигини таққосламоқда. Ҳофизнинг нолиши куйнинг ижроси билан уйғун ҳолда байтнинг маъносини яна ҳам чиройли чиқишини таъминлаб беради.

Кейинги хат Мухайяри Чоргоҳ намудининг давоми ўлароқ авж ҳисобланиб, асарнинг энг юқори пардаларида ижро этилади:

Лутфий, Ҳирийда қолмади шеърингга муштарий,

Азми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ эмиш.

Мазкур байтда шоир Хиротда уни тушунадиган инсони қолмаганлиги, шу боис Ҳижозга йўл олишини айтиб, мақоминг Ироқдир, дейди. Бу эса ошиқнинг макони жуда узоқда эканлигига ишора қилмоқда.

Байтнинг юқори пардаларда ижро этилиши, матн ва куйнинг уйғунлиги унинг янада жозибadorлигини таъминлайди ва тингловчининг қалбини ларзага келтиради.

Юқоридаги хат яна бир маротаба такроран ижро этилиб, юқори пардадан аста-секин пастки пардаларга томон куйланади. Асарнинг бошланғич пардасига келиб, сўнг тамомланадиган бу қисм – **Фуровард** деб аталиб, туширим қисми ҳисобланади.

Сарахбор шуъбаси тугалланганидан сўнг, бирин-кетин тароналар ижро этилади. “Тароналар мақом ашула бўлимининг биринчи қисмидаги шуъбалардан сўнг ижро этиладиган кичик шаклдаги ашула бўлиб, рақамлар билан ажратилади...” [7,218].

Сарахбори Бузрукнинг биринчи таронаси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Не фикрким сенинг фикринг...” деб бошланувчи ғазали билан ижро этилади.

Мисол:

Не фикреким сенинг фикринг эмас, ул фикр эрур ботил,
Не умреким ўтар сенсиз, эрур ул умр ҳосил.

Жафоу жавр тавридин эурсен асру кўп воқиф,
Вафоу меҳр расмидин бўлурсен асру кўп ғофил.

Қуёш янглиғ юзунга мен дурурмен волау ҳайрон,
Янги ойдек қошинға мен дурурмен ошиқу майл.

Кечурдунг ою йилни масту бехудлиғ била, Бобур,
Неча ғафлат била умр ўткарурсен, неча кун, ой, йил.

Мазкур ғазал куйидаги доира усулида ижро этилган:




Тароналар бирин-кетин, тўхталишларсиз, бир тартибда ижро этилади. Шашмақом Наср бўлимидаги тароналарнинг кетма-кетлиги ва доира усуллари шу қадар усталлик билан ижод этилганки, бир таронадан навбатдаги таронага тўхтовсиз ўтилганда, оҳангда ҳам, доира усулида ҳам ғализлик сезилмайди. Бу мақом устозлар санъатининг юксаклигидан далолат, албатта.

Иккинчи таронанинг сўз матни ҳам Бобурнинг “Сенсен” радифли рубойиси билан ижро этилади.

Мисол:

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳи равоним сенсен.
Бобирни сенингдек ўзга йўқ ёри азиз(и),
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен.
Доира усули куйидагича:



Шашмақом ўзбек ва тожик халқининг миллий мумтоз мусиқаси ҳисобланади. Шу сабабли мақомлардаги айрим тароналар форс-тожик тилидаги сўзлар билан ижро этилган. “Мақомлар, хусусан ўзбек ва тожик халқларининг маънавий мулки бўлмиш Шашмақом, кўп асрлар давомида бу соҳада олиб борилган изланишларнинг самарасидир” [8,6]. Уларнинг ҳар бирининг қадр-қиммати ўзига яраша бўлиб, даврани жонлантириш учун ҳизмат қилган.

Масалан, Сарахбори Бузрукнинг 3-таронаси тожик халқ сўзи билан куйланган:

Мисол:

Меойи ба сўи хонам,
Тангаст хилват хонам.


Баҳри шумо, жононам,
 Танҳо биё, танҳо биё.
 Писта даҳони ман, биё,
 Руста забони ман, биё.
 Қуйидаги доира усулида ижро этилган:



Тўртинчи тарона ҳам халқ сўзи бўлиб, тожик тилида ижро этилган:

Мисол:

Жони ман, ёр, жонони ман,
 Жонони ман, ёр, бепарвои ман,
 То ту набоши ёри ман,
 Сомон наёбад кори ман.
 Доира усули эса қуйидагича:




Бешинчи таронада шоир Нисбатнинг “Ҳажрингда, эй ёр...” сўзлари билан бошланадиган ғазали ижро этилади.

Мисол:

Ҳажрингда, эй ёр, корим фиғондур,
 Тинмай кўзимдин ашким равондур.
 Айла тараххум менга нигорим,
 Аҳволи зорим санга аёндур.
 Ул лола янглиғ бағримда қат-қат
 Боз устина боз доғлар ниҳондур.
 Гулдек юзунгни ишқида Нисбат
 Булбулга ўхшаш кори фиғондур.

Бешинчи таронанинг куй оҳанги ва доира усули ҳам бошқа тароналарга нисбатан мураккаб ҳисобланади ва талқин доира усулида ижро қилинади.

Қуйидаги доира усулида ижро этилган:



Юқоридаги тарона тўртинчи тарона билан силлиқ боғланиши учун доира усули бошланишига “бум” қўшиб ижро этилган.

Сарахбори Бузрукнинг сўнги олтинчи таронаси Мунис сўзи билан куйланади.

Мисол:

Ҳамчун ҳубоб беқарорам,
 Ишқи ту кард хору зорам,
 Эй қасам ба чашмони сиёхат,
 Жуз ту дигар касе надорам.
 Ёри вафодор, ҳайрони ту ман,
 Мунису ғамхор, қурбони ту ман.

Олтинчи тарона ҳам ўзидан олдинги тарона сингари талқин усулида ижро қилинган тугайли доира усулида ўзгариш бўлмади. Аввалги тароналардан фарқли ўлароқ, сўнги тарона Юнус Ражабийнинг яқка ҳолда ижроси билан бошлангани асарга ўзига хос ёқимлилик, мантиқий хулоса ва яқунловчи характер беради (мазкур тарона 1959-йилда грампластинкага ёзиб олинган).

Тароналар матн ихчамлиги ва куй оҳангининг асосий шуъбаларга нисбатан кичиклиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга тароналарнинг муҳим вазифалари борки, булар мақомлар ижросида алоҳида ўринга эга. Тароналарнинг биринчи вазифаси асосий

шуъбалар орасида боғловчилик бўлиб, мақомлар ижросида туркумлилик ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Иккинчи вазифаси–ранг-барангликни ташкил қилади. Яъни оғир-вазмин мақомлар орасидаги тароналар энгил, ихчам, ўзига хос мураккаблик хусусияти билан бир хилликнинг олдини олади. Учинчи вазифаси эса етакчи ҳофизларга дам беришдир. Бу хусусият ижро этиладиган барча мақомларга тааллуқлидир. Мақомлар дастлаб хон саройларида, элчиларни кутиб олиш тадбирларида ижро этилган. Мазкур жараёнларда асосий шуъбаларни устоз ҳофизлар ижро этиб бўлгач, кейинги асосий шуъба ижросига тайёргарлик кўрилганига қадар тароналарни шогирдлар ижро этиб туришган.

Шундай қилиб, ўзига хос бир доирани ташкил қилган мумтоз шоирлар ва халқ оғизаки ижоди намуналаридан озиқланган мақом шеърляти ҳамда мумтоз мусиқанинг куй йўллари, усул ҳамда шакл, тамойиллари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқдаки, бугунги кунда ҳам ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008.
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий Мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391 сонли қарори.
3. Саид Аҳмад. Илоҳий неъмат. –“Тафаккур” журнали. –1994 йил, № 1-сон.
4. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. –Т.: Ўз.ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1963.
5. Дунастр – ашула бошланиш жумлаларининг юқори пардаларда такрорланишидир.
6. Муҳайяр – тузатилган, яхшиланган, танлаб олинган маъноларида келади (ушбу маълумот Исҳоқ Ражабовнинг “Мақомлар” китобидан олинди).
7. Ражабов И. Мақомлар. –Т., 2006.
8. Ражабов И. Мақом асослари. –Т., 1992.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор)